

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг  
2019 йилдаги фаолияти тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

**2020 йил  
Тошкент шаҳри**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	.....3
<b>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг асосий вазифа ва функциялари ижроси</b>	
I. Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини амалга ошириш	.....6
II. Бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш	.....8
III. Бюджет тизими бюджети ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш	.....12
IV. Солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усуллари жорий қилиш	.....17
V. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	.....20
VI. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш	.....23
VII. Олий даражадаги ташрифлар доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар амалга оширилишининг тўлиқлиги ҳамда самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш	.....25
VIII. Стратегик корхоналар иштирокидаги ҳамда ҳудудий даражадаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини назорат қилиш	.....28
IX. Пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш	.....31
X. Товар ва хизматлар импорти ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш	.....34
<b>Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган қўшимча топшириқ ва вазифалар ижроси</b>	
XI. Алоҳида топшириқлар бўйича амалга оширилган ишлар	.....37
XII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда амалга оширилган ишлар	.....41
XIII. Хорижий тажрибани ўрганиш ва халқаро ҳамкорлик	.....43

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2019 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ-5147-сонли Фармони асосида амалга оширилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 18 майда қабул қилинди ва Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланди. *(Мазкур қонун 2020 йил 1 январдан кучга кирди.)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон қарорига асосан Ҳисоб палатасига импортни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш вазифаси юклатилиб, ушбу йўналишда алоҳида таркибий тузилма ташкил этилди.

Ҳисоб палатаси томонидан 2019 йилда ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар, кўрилган чоралар ва амалий ёрдамлар натижасида:

**1.** 2020 йил учун давлат бюджети лойиҳаси параметрларининг шаклланиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўриб чиқилди. Ҳисоб палатаси томонидан ишлаб чиқилган **30** та таклифлар қабул қилинган қонунда ўз аксини топди.

Даромадлар прогнозини белгилашда манбаси мавжуд бўлмаган ҳамда тўлиқ ҳисобга олинмаган тушумлар бўйича **5,3** трлн сўмлик, харажатлар прогнозида лойиҳада кўзда тутилмай қолган тадбирлар бўйича **8,2** трлн. сўмлик тузатиш ва аниқликлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2020 йилда кутилаётган харажатлар таҳлил қилинди ва уларнинг миқдори **400** млрд сўмга оширилиб, **1,4** трлн сўмга етказилди.

**2.** Жойларга чиққан ҳолда юридик ва жисмоний шахслар фаолияти бевосита таҳлил қилиниб, давлат бюджетига қўшимча **2,7** трлн сўмлик даромад манбалари аниқланди. 2019 йилда режалаштирилган **8,3** трлн сўм қўшимча даромад манбаси ҳудудлар бўйича тўлиқ таъминланишида амалий ёрдам кўрсатилди.

**3.** Бюджет тизими бюджетлари харажат қисми ижро этилиши устидан амалга оширилган назорат тадбирлари натижасида ноқонуний ва самарасиз харажатлар, бундан ташқари бир қатор услубий хато ва камчиликлар аниқланди.

Аниқланган хатоликларга барҳам бериш ва тизимли камчиликларни олдини олиш бўйича тегишли идораларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

**4.** Солиқ ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш бўйича **23** та таклифлар берилди ва улар **8** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди.

5. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида ўрнатилган тақсимот меъёрларига амал қилиниши ўрганиб борилди ҳамда ўзаро нисбатни янада мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган даромадларни прогноздан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағларнинг сарфланишида хато ва камчиликлар аниқланди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарийб **3,4** мингта ҳужжатларидаги **34** мингдан ошиқ топшириқлар ижроси назоратга олинди.

7. Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар бўйича қарийб **130** млрд долл. қийматдаги **4** мингдан ортиқ келишув ва тадбирлар ижроси юзасидан назорат ўрнатилди, **292** та (*31,6 млрд долл.*) инвестиция келишувларини жадаллаштириш бўйича бевосита амалий ёрдамлар кўрсатилди.

8. Стратегик корхоналар иштирокидаги ҳамда ҳудудий даражадаги умумий қиймати **102,5 млрд долл.** бўлган жами **15,5** мингта инвестиция лойиҳалари назоратга олинди, **448** та (*1,2 млрд долл.*) лойиҳаларнинг амалга оширилишида бевосита амалий ёрдам кўрсатилди.

9. Республикада пул-кредит сиёсати борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўрганиб борилди. Ажратилган банк кредитларининг самарадорлик кўрсаткичлари, жумладан ишга туширилмаган **1 925** та лойиҳалар таҳлил қилинди ва йил якунига қадар уларнинг **80** фоизини ишга туширилиши таъминланди. Республика олтин-валюта захираларининг ҳолати устидан доимий назорат олиб борилди.

Шунингдек, республиканинг **5** та ҳудудида аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган қарийб **2,0** трлн сўмлик кредитларнинг мақсадли ишлатилиши таҳлил қилинди.

10. Республикада импорт операцияларининг амалга оширилиши, уларнинг таркиби ва динамикаси юзасидан ўрганишлар йўлга қўйилди, 2020-2021 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасининг ишлаб чиқилишида лойиҳалар амалга оширилишининг импортга таъсири баҳоланди ва таклифлар асосида такомиллаштирилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Администрацияси томонидан берилган алоҳида топшириқлар ижроси юзасидан **10** дан ортиқ йўналишда ўрганиш ва амалий ишлар ташкил қилинди.

Ҳудудларда нефть маҳсулотлари таъминоти, нефть ва газ соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлиги, биржа савдоларида ун маҳсулотлари нархларининг асослилиги, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари ҳамда Тошкент вилояти туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Тошкент шаҳрида куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари шулар жумласидандир.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер участкаларига товон пуллари тўланиши юзасидан жойларда хатлов ўтказилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Бунда, товон учун пул, мол-мулк ва ер участкаларини ажратиш орқали мажуд қарздорлик қисқартирилди.

Шунингдек, 10 та ҳудуддаги рўйхатга асосиз киритилган қарздорликлар аниқланиб, ҳисобдан чиқарилиши таъминланди.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликда

вазирлик ва давлат қўмиталарининг мақсадли вазифаларга эришишларини **баҳолаш мезонлари** ижроси юзасидан таҳлил ва муҳокамалар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарига **168 та** таҳлилий ахборотлар киритилди.

**Маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш** бўйича **4 та** вилоят Халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари ўтказилди, иқтисодий соҳани такомиллаштиришга қаратилган **қонун ҳужжатлари ва уларнинг ижроси** ўрганиб борилди.

**13.** Халқаро олий аудиторлик органлари ташкилотларига (ASOSAI, INTOSAI) аъзо бўлиш борасида муҳим қадам қўйилди, яъни дастлабки тарзда кузатувчи сифатида қатнашишга розилик олинди. Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи комиссияси томонидан Ўзбекистонда Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлигини (PEFA) баҳолашда ижобий хулосага эришилди.

Ўтказилган таҳлил ва ўрганишлар натижалари бўйича 2019 йилдаги фаолият юзасидан жами **512 та**, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Администрациясига 314 та, Олий Мажлис палаталарига 168 та, Вазирлар Маҳкамасига 17 та маълумот ва таҳлилий материаллар киритилди.

Киритилган таҳлилий материаллар ва таклифлар асосида **32 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва баённомалар қабул қилинди.

Мазкур ҳисоботда Ҳисоб палатаси томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда улар натижаларининг эътиборга молик жиҳатлари ўз аксини топган.

**I. Давлат бюджети лойиҳаси параметрлари шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини амалга ошириш**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун ва 2020-2022 йиллар учун мўлжалланган Бюджетнома лойиҳаси Ҳисоб палатаси томонидан кўриб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига хулоса киритилди.

Лойиҳани кўриб чиқишда Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ҳамда **37** та вазирлик (идора)лар билан бевосита иш олиб борилди.

Бюджетнома ва Қонун лойиҳаларига **47** та таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, шундан **30** таси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинди.

Жумладан, 2020 йилги бюджет даромадлари прогнози белгиланишида **3,2** трлн сўм тушумларнинг манбалари мавжуд эмаслиги, **2,1** трлн сўм тушумлар тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги аниқланиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Бюджетдан молиялаштирилиши кўзда тутилган тадбирлар учун **8,2** трлн сўмлик тузатишлар киритиш тавсиялари берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, ҳудудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами **69** та ҳужжатдаги **628** та тадбир ва дастурларнинг молиялаштириш манбалари 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилганлиги ўрганилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг **384** та топшириғини ижросини амалга ошириш учун зарур бўлган ва кўзда тутилмаган қарийб **1,5** трлн сўм маблағларни киритиш бўйича тавсиялар берилди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4191-сонли қарори билан тасдиқланган 2019-2021 йилларда сил касалликлари тарқалишига қарши курашиш Дастури доирасида дори воситалари хариди учун **1,9** млн долл. (**18,8** млрд сўм) ажратилиши лозим бўлиб, Бюджет лойиҳасида ушбу харажатлар учун маблағлар кўзда тутилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Президентнинг 2020 йилдаги янги ташаббуслари, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси учун зарур маблағларнинг аниқ манбасини шакллантириш, ушбу харажатларни жорий йилдаги кутилаётган ҳажми таҳлил қилинган ҳолда харажатлар таркибида кўзда тутилган маблағлар **1** трлн сўмга оширилиб **1,4** трлн сўмга етказилди.

Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг 2020 йил бошига кутилаётган қолдиқлари, 2020 йилги даромадлари ва харажатлари прогнози қайта ҳисоб-китоб қилиниб, **2,5** трлн сўмга оширилди.

Жумладан:

- Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатлари 3 трлн сўмдан **5,1** трлн сўмгача етказилди (қўшимча **2,1** трлн сўм);

- давлат мақсадли жамғармалари харажатлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб 2020 йилги лойиҳаларига жами **211** млрд сўм маблағ қўшимча киритилди ҳамда зиммаларидаги вазифалар ижросини таъминлаш учун зарур бўлган **190** млрд сўм қўшимча трансфертлар кўзда тутилди;

- тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси учун кўзда тутилган **98** млрд сўм харажатлар Консолидациялашган бюджет таркибига киритилди.

Шунингдек, тақдим этилган 2020 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари янгиланган бюджет таснифи бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан келишилган шаклларда ишлаб чиқилмаганлиги аниқланиб, бартараф этилди.

Жумладан, Давлат бюджети харажатларини кенг жамоатчилик, Олий Мажлис палаталари томонидан чуқурроқ баҳолаш ва муҳокама қилиш имконини яратиш мақсадида 2020 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳаси харажатлар йўналишлари кесимида функционал тасниф кўринишда акс эттирилган иловалар билан тўлдирилди.

**1.2.** Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан **11** та ҳудудларга ташриф амалга оширилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ҳисоб палатаси томонидан ташрифлар давомида тақдимот учун тайёрланган умумий қиймати **239,5** трлн сўмлик **8 197** та инвестиция лойиҳаларининг асосланганлиги, молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги жиҳатдан ўрганиб чиқилди.

Масалан, Тошкент вилоятига ташриф доирасида умумий қиймати 43,6 трлн сўм бўлган 1 080 та ҳудудий инвестиция лойиҳалари Ҳисоб палатаси томонидан тегишли вазирлик ва идораларни, шунингдек хизмат кўрсатувчи тижорат банкларни жалб қилган ҳолда таҳлил қилинди ва 39,9 трлн сўмлик 785 та инвестиция лойиҳалари истиқболли деб топилиб, ташриф доирасидаги Баён лойиҳасига киритилди.

Инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида молиялаштириш ва ишга тушириш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши таъминланди, лойиҳаларга масъул идоралар, жумладан тижорат банкларидан кафолат хатлари олинди.

**1.3.** Ҳисоб палатаси ишчи гуруҳи томонидан **Марғилон ва Қўқон шаҳарларини 2020-2024** йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилишида бевосита иштирок этилди.

Дастурга киритилаётган чора-тадбирлар шаҳарларни ривожлантириш истиқболларини тўла қамраб олганлиги ва молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Жумладан, ижтимоий соҳа объектларида бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари, коммунал хизмат, газ ва электр таъминоти, ободонлаштириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўналишларидаги тадбирлар алоҳида эътиборга олинди.

Қилинган ишлар натижасида, Вазирлар Мақкамасининг 2019 йил 14 декабрдаги “2020-2024 йилларда Фарғона вилоятининг Марғилон ва Қўқон шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1001-сонли қарори қабул қилинди.

## II. Бюджет тизими бюджетларига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш.

Ҳисоб палатаси томонидан бюджет тушумлари тўлиқлигини назорат қилиш, қўшимча захираларни аниқлаш, солиқлар ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базалари ишончилигини баҳолаш, молия ва солиқ органларига ҳар томонлама кўмаклашиш вазифалари ижроси юзасидан 2019 йилда ишчи гуруҳлар тузилиб, бевосита жойларга чиққан ҳолда **31** та ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилди ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

### 2.1. Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш.

Ҳисобот йилида ушбу йўналишдаги тизимли назорат ҳамда солиқ турлари ва ҳудудлар бўйича кунлик мониторинг ишлари давом эттирилди.

Давлат бюджетига 2019 йилда жами **112,2 трлн сўм** тушумлар таъминланиб, белгиланган **102,6 трлн сўм** прогноз кўрсаткичлари **9,5 трлн сўмга** (9%) орттириб бажарилди. Давлат бюджетига 2018 йилга нисбатан **33,1 трлн сўм** (42%) кўп тушумлари жалб қилинди.

Жумладан, солиқ тушумлари бўйича бюджетга **83,4 трлн сўм** жалб қилинди ва белгиланган **75,1 трлн сўм** прогноз кўрсаткичлари **8,3 трлн сўмга** (11%) орттириб бажарилди. Бюджетга 2018 йилга нисбатан **29,2 трлн сўм** (53%) кўп солиқ тушумлари жалб қилинди.

Божхона тушумлари бўйича бюджетга **17,1 трлн сўм** жалб қилиниб, белгиланган **14,8 трлн сўм** прогноз **2,3 трлн сўмга** (16%) орттириб бажарилди. Бюджетга 2018 йилга нисбатан **5,6 трлн сўм** (49%) кўп божхона тушумлари жалб қилинди.

Молия вазирлиги назоратидаги тушумлар бўйича бюджетга **11,7 трлн сўм** тушумлари жалб қилинди ва белгиланган **12,7 трлн сўм** прогноз кўрсаткичлари **1,0 трлн сўмга** бажарилмаган. *(Прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаслигига қўшилган қиймат солиғидан 3 245 млрд сўмлик салбий фарқнинг қоплаб берилиши таъсир кўрсатган).*

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноздан ошириб бажарган қисми ҳисобидан 2018 йилда ҳудудий ҳокимликлар ихтиёрида **5,4 трлн сўм** маблағ қолган бўлса, 2019 йилда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қарийб **5,8 трлн сўм** маблағлар қолдирилди.

Юқоридаги кўрсаткичлар бажарилишининг барча жараёнларида Ҳисоб палатасининг бевосита иштироки таъминланди.

Давлат бюджети даромадларининг, жумладан солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражаси Ҳисоб палатаси томонидан дастурий равишда тизимли таҳлил қилиб борилди.

Хусусан барча солиқ турлари бўйича прогноз ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлар юзасидан кунлик, ойлик ва чораклар кесимида мониторинг олиб борилди. Қолоқликка йўл қўйилган ҳудудларга таҳлилий маълумотлар асосида **42** та тақдимнома ва кўрсатма хатлар юборилди.



Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ҳар ой ва чорак якунида жойига чиққан ҳолда даромадлар прогнозини бажаришда орқада қолаётган **8** та ҳудудларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, биргина сентябрь ойида прогнозни бажарилиши оғир бўлган **6** та ҳудудда (*Қорақалпоғистон Республикаси 56 %*, *Бухоро 48 %*, *Қашқадарё 32 %*, *Сурхондарё 56 %*, *Фарғона 74 %* ва *Тошкент вилоятида 77 %*) амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Мазкур ҳудудларда сентябрь ойи учун белгиланган прогноз (2 557,9 млрд сўм) кўрсаткичи 24 сентябрь ҳолатига **58** фоизга бажарилаётган бўса, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида ой якуни билан 2 897,2 млрд. сўм, яъни режага нисбатан **426** млрд. сўмга кўп (**113** фоиз) тушумлар таъминланди.

**Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун қўлланилган маъмурий жарималарнинг** ундирилиши ўрганилганда, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўйича 5 607 та ҳолатда 1,2 млрд сўм, Мажбурий ижро бюроси бўйича 42 915 та ҳолатда **9,4** млрд сўм маблағлар ундирилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, Мажбурий ижро бюросида мажбурий ундиришга қаратилган 26 730 та ижро ҳужжатлари мавжуд эмаслиги (йўқотилганлиги) аниқланди.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини ташқи аудит ва баҳолаш** доирасида божхона органлари томонидан божхона юк декларацияси ва божхона кирим ордери асосан ундирилган **225,5** млрд сўмлик тўловлар ҳисобот даврида Давлат бюджетига ўтказилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан “Марказий банк тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланган талабларга зид равишда устав капиталини оширига йўналтирилган ва фойданинг ушбу қисми Давлат бюджетига даромадларига ўтказилмаган.

Олмалиқ кон-металларгия комбинати томонидан экспорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олинмаган қўшилган қиймат солиғи нотўғри аниқланган ва Давлат бюджетига қўшилган қиймат солиғи кам ҳисобланган.

Ер участкаларини реализация қилишдан ҳудудий ҳокимликлар ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағларнинг маҳаллий бюджетлар даромадига йўнатирилиши лозим бўлган ўтказиб берилмаган.

#### **Қўшилган қиймат солиғи бўйича:**

имтиёзларнинг нотўғри қўлланилиши натижасида **25** та хўжалик юритувчи субъектлар бўйича;

марказлашган манбалар ҳисобидан **1 922** та шартномаларга мувофиқ 417,7 млрд сўмлик бажарилган ишлар бўйича;

Давлат дастури доирасида 66,6 млрд сўмлик бажарилган ишлар бўйича солиқлар Давлат бюджетига ҳисобланмаган.

## **2.2. Бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрель куни ўтказган мажлисида бюджетга қўшимча даромадларни сафарбар қилиш бўйича қўшимча имконият ва резервларни жалб қилиш топшириғи берилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга асосан 2019 йилда бюджетга **6,5 трлн сўм** қўшимча даромад жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланган бўлса, йил давомида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллардан сўнг, бу кўрсаткич **8,3 трлн сўмга** ҳисоб-китоб қилинди.

Ҳисоб палатаси томонидан бевосита **8** та ҳудудда ўрганишлар ўтказилиб, **2,7 трлн сўм** қўшимча даромад захиралари аниқ манбалари кўрсатиб берилди.

*Қорақалпоғистон Республикасида 217,6 млрд сўм, Тошкент вилоятида 293,7 млрд сўм, Наманганда 111,3 млрд сўм, Сурхондарёда 330,5 млрд сўм, Сирдарёда 67,6 млрд сўм, Хоразмда 83,3 млрд сўм, Тошкент шаҳрида 1 трлн 42 млрд сўм, Қашқадарёда 526 млрд сўм.*

Қўшимча даромадларни жалб қилиш юзасидан ҳар бир туман, шаҳарлар бўйича 24 та йўналишда, солиқ турлари кесимида масъул идоралар томонидан амалга ошириладиган вазифалар аниқ муддатлари белгиланган ҳолда “Йўл хариталари” тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

Бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида, 2019 йилда бюджетга режалаштирилган **8,3 трлн сўм** қўшимча манба ҳудудлар бўйича **тўлиқ** таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, 2018 йилда давлат бюджетига **9,8** трлн сўм қўшимча манба жалб қилинган бўлса, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,5 трлн сўм кам қўшимча манбалар жалб қилинди.

Бу ҳолатга жойларда ўтказилган ўрганишларда таҳлил қилинган йўналишлар бўйича солиқ идоралари томонидан назорат тадбирлари кучайтирилганлиги, шунингдек, Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари асосида ҳудудий ташкилотларнинг солиқ солишда фойдаланиладиган маълумотлар базаси такомиллаштирилганлиги ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилганлиги ижобий таъсир кўрсатди.

### **2.3. Замоनावий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали қўшимча даромад захираларини аниқлаш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг дастурий комплексини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарори билан **12** та давлат органлар ва ташкилотлар дастурий таъминот асосидаги маълумотлар базаларидан реал вақт режимида фойдаланиш, **33** та орган ва ташкилотлар маълумотларидан сўров асосида фойдаланиш учун Ҳисоб палатасига рухсат берилган.

2019 йил давомида солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган **5** та давлат органларининг маълумотлар базасининг ишончлилиги аудитдан ўтказилди.

Мазкур ўрганишларда соҳаларда замоनावий ахборот технологияларини кенг тадбиқ этиш орқали давлат бюджетига бир йилда қарийб **2 171 млрд сўм** қўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, Адлия вазирлигида йилига ўртача **185 млрд сўм**, Автомобиль йўллари давлат қўмитасида **171 млрд сўм**, Божхона қўмитасида **508,9 млрд сўм**, Давлат статистика қўмитасида **1 301 млрд сўм** ҳамда Давлат экология қўмитасида **5,5 млрд сўм** бюджет тушумларини кўпайтириш имкониятлари аниқланди.

Ушбу ўрганиш ўтказилган вазирлик ва давлат қўмиталарида бюджетга тушумларни таъминлашда ахборот технологияларни тўлиқ жорий қилинмаганлиги ва маълумотларнинг марказлашган базаси юритилмаганлиги, маълумотларининг тўлиқлиги, холислиги ва ишончилигини экспертизадан ўтказилмаганлиги ҳамда бошқа идоралар билан ўзаро ахборот алмашинувини тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, **Адлия вазирлигида** жисмоний шахслар томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган турар жойларни сотишдан олган даромадлар ҳисобидан даромад солиғи бўйича декларация тақдим этилмаган.

**Автомобиль йўллари давлат қўмитасида** марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилган қурилиш объектларга жалб этилган корхоналар томонидан қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаган.

Шунингдек, тизим корхоналари томонидан қўшилган қиймат солиғи билан харид қилинган товарлар тўғрисидаги ҳисобварақ-фактуралар реестрида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланмаган.

**Божхона қўмитасида** ташқи савдо шартномалари мавжуд бўлмаган ва шартли чиқариб юборилган товарлар бўйича маълумотлар Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилмаганлиги натижасида, 172 та субъект томонидан импорт қилинган маҳсулотлар учун божхона органларида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ ҳисоботларида нотўғри кўрсатиб, ортиқча ҳисобга олиб борилганлиги натижасида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан қолган.

**Давлат статистика қўмитасида** 73 026 та кичик бизнес субъектлари томонидан давлат статистика ва солиқ органларига топширилган ҳисоботларнинг номувофиқлиги натижасида 10 698,2 млрд сўм товар айланмаси бўйича солиқ ҳисоботларида акс эттирилмаган, натижада ягона солиқ тўлови тўланмаган.

Фермер хўжаликлари томонидан статистика ва солиқ органларига тақдим этилган ҳисоботларида 189 837 та субъектларнинг иш ҳақи фонди ҳажми 3 288,1 млрд сўмга кам кўрсатилганлиги натижасида, солиқ ҳисоботларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи акс эттирилмаган.

**Давлат экология қўмитасида** Солиқ кодексининг 317-моддаси 8-бандига асосан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча тарзда атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндилар жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилганлиги ҳисобига бюджетга фойда солиғи ҳисобланмасдан қолган.

Мазкур вазирлик ва идоралар тизимида ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда келгусида олдини олиш мақсадида, давлат бюджетига қўшимча маблағларни жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва ижроси назоратга олинди.

**III. Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш**

**3.1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 167-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолаш.**

Давлат бюджетининг 2018 йилги даромадлари прогноз кўрсаткичи 126,6 фоизга (79,1 трлн сўм) бажарилган, харажат кўрсаткичи ижроси прогнозга нисбатан 107,8 фоизни (79,7 трлн сўм) ташкил этиб, Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз (0,63 трлн сўм) миқдорда дефицит билан ижро этилган.

**Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2018 йилги ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот харажат қисмини ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш** натижасида самарасиз ва ноқонуний харажатлар ҳамда бошқа услубий хато ва камчиликлар аниқланди.

Аниқланган самарасиз ва ноқонуний харажатлар ҳамда услубий хато ва камчиликлар ўрганиш даврида бартараф қилинишига эришилди.

Жумладан, Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ва Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлардаги иш ҳақи харажатларининг режа кўрсаткичлари ўртасида ҳамда ҳақиқий иш ҳақи харажатлари кўрсаткичлари ўртасида тафовутлар аниқланди.

**Маҳаллий бюджетлар** ижроси жараёнида 2018 йил давомида даромадлар режасининг ошириб бажарилиши натижасида шаклланган маблағларга нисбатан жами **9** та ҳолатда ортиқча харажатлар амалга оширилган.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатилмаганлиги ва профилактика ишларини етарли даражада олиб борилмаслиги натижасида қуйидаги бюджет қонунчилигини бузилиш ҳолатларига йўл қўйилган, жумладан:

**Олий таълим** соҳасида ортиқча рағбатлантириш тўловлари амалга оширилган;

**Халқ таълими** соҳасида ихтисослаштирилган мактабларда белгиланган тоифага эга бўлмаган педагогларга ҳамда ўқитувчиларга ёзги таътил даврида бажарилмаган иш (дафтар текшириш) учун иш ҳақи ортиқча сарфланган.

**Соғлиқни сақлаш** соҳасида 13 та муассасада бюджетдан ташқари койка кунлари бажарилмаганлиги натижасида маблағ келиб тушмаган ҳамда Давлат санитария эпидемиология назорат марказининг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ортиқ штатларга иш ҳақи тўланган.

**Жисмоний тарбия ва спорт** соҳасида туман(шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида эҳтиёж бўлмасида, 200 нафар бош ҳисобчи штат

бирликларига ҳамда вазирлик аппарати ходимларига моддий рағбатлантириш ортиқча тўланган;

Молия вазирлиги ҳузуридаги **“Тоза ичимлик суви” жамғармаси** ҳисобидан 3 та объект бўйича бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари қиймати сўмга ошириб ҳисобланган.

Бюджет ташкилотларига ичимлик суви етказиш ва оқова сувни чиқариш (канализация) хизматлари тарифларини нархлар ошириб тасдиқланганлиги сабабли ортиқча хизматлар қиймати бюджет ташкилотлари томонидан қопланган.

**Давлат бюджетининг ғазна ижроси** жараёнида молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

*Мисол учун, 8 та ҳолатда ўзлаштирилмаган ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаларига иқтисод қилинган маблағ сифатида асоссиз равишда ўтказилган.*

*Яна бир мисол, Халқ таълими вазирлиги ва “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ДУК ўртасида имзоланган шартнома шартларига зид равишда камчиликлар билан 49 607 нухада чоп этилган “История Узбекистана” (10-синф) дарслиги бўйича маблағ қайтарилмаган.*

**Хориждаги 46 та дипломатик ваколатхоналарда** белгиланган лимитларга нисбатан ортиқча сарфланган.

**Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига кафиллик ва компенсация ажратилишида молиявий камчиликларга йўл қўйилган.

*Мисол учун, Сирдарё вилоятидаги “Султон” ФХ ва “Шурузак имкон плюс” МЧЖларга ажратилган компенсация бўйича қарздорлик қайтарилмаган бўлсада, такроран компенсация асоссиз ажратилган.*

*Маълумот учун, ўрганиш ҳужжатлари Тошкент вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2019 йил 18 июндаги 12-16-357-сонли хати орқали Бош прокуратурага ҳуқуқий баҳо бериш учун юборилди ҳамда ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган.*

**Давлат молиявий назорат Департаменти** томонидан ҳисоботларда **560** та молиявий назорат тадбирлари акс эттирилмаган ҳамда 25 та назорат объектларида аниқланган молиявий камчиликларда жиноят ва коррупцион ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган бўлсада, назорат материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилмаган.

**Ички ва ташқи қарзлар** бўйича ажратилган қарзларни белгиланган муддатда қайтарилмаганлиги натижасида юзага келган қарздорлик ва унга ҳисобланган пеня ҳисоби юритилмаган ҳамда пеня қарздорлигини ундириш чоралари кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатини тартибга солувчи йўриқномалар ишлаб чиқилмаганлиги натижасида қўшимча миқдорда бюджетга тушум таъминланмаган.

Ташқи аудит натижаларига кўра тайёрланган Ҳисоб палатасининг хулосаси қонунчиликда белгиланган муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

*Ўтказилган ташқи аудит ва баҳолаш якуни билан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик юзасидан Молия вазирлигига 16 та бандда 47 та топшириқдан иборат кўрсатма юборилди.*

**3.2. Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилувчи ташкилот ва корхоналарда ўтказилган ўрганишлар.**

Ҳисобот йилида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан 21 та ташкилот ва корхоналар бўйича назорат тадбирлари ўтказилиб, молиявий камчиликлар, мақсадсиз ва самарасиз харажатлар аниқланди. Шунингдек, харажатларни оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

**а) Соғлиқни сақлаш вазирлигида дори воситаларининг хариди қонунийлиги бўйича ўтказилган текширишда молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.**

Жумладан, дори воситалари ва тиббиёт жиҳозларини қиммат нархларда сотиб олинishi натижасида бюджет маблағлари ортиқча сарфланган.

*Мисол учун, “Ўзмедимпекс” ДУК томонидан импорт асосида олиб келтирилган дори воситаларини қиммат нархларда харид қилиниши натижасида ортиқча маблағ сарфланганлиги маълум бўлган.*

*Хусусан, “Гидрокартизон” дори воситаси бошқа импорт қилувчилар томонидан 2,21 АҚШ долларидан олиб келтирилган бўлса, айнан шу ишлаб чиқарувчининг ушбу дориси “Ўзмедимпекс” томонидан 25 АҚШ долларидан ёки 11 баробар қимматга олинган.*

*Яна бир мисол, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2018 йилда 200 дона УЗИ сканерлари бўйича тендерда “Bleakburn Capital LP” (Канада) компанияси асосли ғолиб бўлсада, тендер бекор қилиниб, бошқа компаниядан қиммат нархларда харид қилиниши натижасида ортиқча сарфланган.*

Тиббиёт муассасаларига 2019 йилда яроқлилик муддати тугайдиган дори воситалари 2019 йилдаги эҳтиёжга нисбатан ортиқча тарқатилган ҳамда 11 турдаги дориларга қатъий нархлар белгиланмаган.

Ўтказилган текшириш натижалари бўйича маълумотлар ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.

Текширув материаллари асосида “Ўзмедимпекс” ДУК мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг 2019 йил 25 декабрь куни соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияни олдини олиш ва уни бартараф этиш юзасидан вужудга келган аҳволни муҳокамасига бағишланган **кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши ўтказилди ва соҳани такомиллаштириш бўйича “Йўл харита” ишлаб чиқилди.**

**б) Фарғона вилояти Бешариқ, Олтиариқ ва Учкўприк туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда Бешариқ тиббиёт коллежида ўтказилган ўрганишда мақсадсиз, самарасиз ва бошқа ноқонуний харажатлар аниқланди.**

Ўрганиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритилди ҳамда Фарғона вилоят прокуратурасига ҳуқуқий баҳо бериш учун юборилди.

Тақдим этилган материаллар асосида Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича жиноят иши қўзғатилган ҳамда Учкўприк туман тиббиёт бирлашмасининг 2 нафар мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилган.

**в) Республика товар хом-ашё биржасида Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида ноқонуний битимлар тузилганлиги маълум бўлди.**

Жумладан, буюртмачилар томонидан берилган буюртмалар миқдори ва шартлари бўйича **тендер ўтказилиши лозим бўлсада, 729 та ҳолатда битимлар танлов орқали тузилган.**

**Таъсисчиси айнан битта шахс бўлган иштирокчилар билан манфаатлар тўқнашуви асосида 60 та ҳолатда ортиқ битимлар аукцион савдолари орқали тузилган.**

*Мисол учун, 2018 йилда 3 та ҳолатда аукцион савдолари таъсисчиси битта шахс (Шарипов Нажмиддин Хусниддинович) бўлган “Аср йўл қурилиш” МЧЖ (100%) ва “Westing Tashkent” МЧЖ (63%) ўртасида ўтказилиб, “Аср йўл қурилиш” МЧЖ ғолиб деб топилган.*

**Танлов ва тендер савдоларини четлаб ўтиш мақсадида 29 та ҳолатда битимлар ҳажми буюртмачилар томонидан қисмларга бўлинган ҳолда аукцион орқали тузилган.**

**Аукцион талабларидан четлаб ўтиш мақсадида бошланғич нархни сунъий ошириб, миқдори ва шартларига мувофиқ аукцион ўтказилиши ўрнига 492 та ҳолатда битимлар танлов орқали тузилган.**

*Мисол учун, Хўжайли туман Тиббиёт коллежи 2019 йил 26 апрел куни мебель ва офис жиҳозлари учун танловга эълон берган ва танлов натижасида бошланғич нарх 42,0 фоизга камайиб, 302 млн.сўмга шартнома тузилган.*

**Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочилар билан харидлар тўғридан-тўғри ҳамда электрон дўкон орқали амалга оширилган.**

*Мисол учун, “Нурота Тикувчилик” МЧЖ 2018 йил 26 сентябрда инсофсиз ижрочилар реестрига киритилгани билан унга таъқиқ бўлмаганлиги сабабли, Навоий шаҳар ободонлаштириш бошқармаси 2018 йил 13 ноябрь куни аукцион орқали у билан 78 млн.сўмлик битим тузган.*

**Буюртмачиларининг айби билан 20 мингдан ортиқ ҳолатларда шартнома шартлари бажарилмаганлиги сабабли маблағлар ижрочилар ҳисоб-рақамига ўтказиб берилган.**

*Мисол учун, “Трансйўл қурилиш махсус пудрат” МЧЖ томонидан 2019 йил март ойида “Қасатка Импекс” МЧЖ билан тузилган шартнома шартлари бажармаганлиги сабабли ижрочига 30 млн.сўм жарима тўлаган.*

Ўтказилган мониторинг ишлари натижасида аниқланган ноқонуний битимлар ва харидлар тизимидаги камчиликлар юзасидан Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига 20 дан ортиқ таклифлардан иборат ахборотлар ҳамда вазирлик ва идораларга 15 га яқин кўрсатмалар тақдим қилинди.

г) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан кўрсатиб берилган йўналишларни таҳлил қилиш натижалари бўйича молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Шунингдек, маблағларни оптималлаштириш бўйича тегишли маълумотлар ва ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим қилинди.

Давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ҳамда давлат захиралари соҳасини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**3.3. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига асосан, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясида, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясида, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясида ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияларида ўрганишлар ўтказилди.**

Бунда асосий эътибор сиёсий партиялар ҳисобига молиявий ва бошқа маблағларнинг тўлиқ тушиши ва бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишига қаратилди.

Ўрганишлар натижаси бўйича Ҳисоб палатасининг хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш учун 2019 йил 11 мартда сиёсий партияларга юборилди.

Назорат тадбирлари жараёнида сиёсий партиялар томонидан йўл қўйилган айрим молиявий хато ва камчиликлар Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари асосида бартараф этилди.



**IV. Солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари ҳамда ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усуллари жорий қилиш**

Ҳисоб палатаси томонидан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига, бюджет, солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиш ҳолатлари ва унинг сабабларини таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, иқтисодиётдаги рақобат муҳитига салбий таъсир қилувчи имтиёزلарини бекор қилиш ёки ставкаларини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрланди.

**4.1. Ҳисобот йилида ўтказилган ўрганишлар натижасида ва тизимли қонунбузарликларнинг сабаблари таҳлил қилинган ҳолда** Ҳисоб палатаси томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича **17 та** таклиф берилди.

Ушбу киритилган таклифлардан **14 таси** қабул қилиниб, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ўз аксини топди ва **3 та** таклиф Президент Администрацияси ва Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, Ҳисоб палатаси томонидан киритилган қуйидаги таклифлар бўйича, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 944-сонли қарори қабул қилинди:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан импорт қилинган ва йирик ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарган товарларни истеъмолчиларга маркировкаланган ҳолда сотиш тизимини жорий қилиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритувчи ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

- маркировка қилинган товарлар ягона маълумотлар базасини онлайн назорат-касса машиналари, электрон тижорат савдолари, электрон ҳисоб-варақ фактуралар маълумотлар базасини интеграция қилиш;

- хориж тажриба асосида нақд пулга товарлар сотиб олинганда товарлар чекини талаб қилиш ва келгусида тақдим этилган чеклар бўйича харидорларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш.

Ҳисоб-варақ фактураларни электрон шаклда юритилишининг жорий қилиниши бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишни жадаллаштириш, бунда биринчи навбатда йирик солиқ тўловчилар, улгуржи савдо ташкилотлари ва йирик савдо мажмуаларида ушбу тизимни йўлга қўйиш бўйича берилган таклиф Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарорида ўз аксини топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори бўйича 2019 йил 14 мартда берилган таклифлар қабул қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 819-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, аввал фойдаланишда бўлган товар моддий бойликларни ихтисослаштирилган бозорларда сотилишини таъминлаш мақсадида савдо ўринларини ёки ярмаркаларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва савдо ташкилотларига кўмаклашиш;

тез бузилувчи маҳсулотларга сертификатларни бир сутка мобайнида берилиши юзасидан қўшимчалар киритиш таклифи қабул қилинди.

**4.2. Ҳисоб палатаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи билан ҳамкорликда иш олиб бориб, киритилган қуйидаги таклифлар қабул қилинди. Жумладан:**

- янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларни кўрсатиб ўтиш;

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича тўлаш муддатини тенг улушларда иккига бўлиб амалга ошириш (15 апрель ва 15 октябрга қадар тенг улушларда);

- юридик шахслар томонидан ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг тўрт баравари миқдоридан ҳисоблаш тартибини белгилаш;

- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тўлаш муддатини тенг улушларда иккига бўлиб амалга ошириш (15 апрель ва 15 октябрга қадар тенг улушларда);

- жисмоний шахслар томонидан ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдоридан белгилаш.

**4.3. 2020 йил учун ишлаб чиқилган Бюджетнома лойиҳасида давлат бюджети даромадлари ижроси ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда 23 та таклифлар берилган бўлиб, унинг 14 таси инobatга олинди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ–5837-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ставкаси 5 фоиз бандига пасайтирилиши, ягона солиқ тўловини тўлиқ маҳаллий бюджетга ўтказилиши натижасида йўқотилишлар 2019 йил Давлат бюджети даромадлари кутилаётган ижросида ва 2020 йилги даромадлар прогнозида инobatга олинди.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари айрим қазилмалар бўйича тоннасига (оғирлиги) белгиланганлиги, бироқ, қазиб олинган фойдали қазилманинг миқдори Давлат геология қўмитасига тақдим этиладиган ҳисоботларда ҳажмда (куб.метр) кўрсатилиши, маркшейдерлар томонидан ҳам қазиб олинган бойликлар миқдори ҳажмда (куб.метр) ҳисоблаб берилиши, қазилмаларнинг зичлиги бир-бирдан фарқ қилганлиги боис, ҳажмни (куб.метр) оғирликка (тонна) ўтказишда солиқ тўловчи ва солиқ органлари ўртасида англашилмовчилик юзага келаётганлигидан келиб чиқиб, солиқ ставкалари қазиб олинган ҳажмга нисбатан белгиланди.

Қазиб олинган **порфирит** тошлари ҳажмига ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланмаганлиги аниқланиб, солиқ ставкаси белгиланиши таъминланди.

Ёлланган ходимни расмийлаштирмаслик ва унга тўланаётган иш ҳақи миқдори солиқ ҳисоботларида акс эттирмаганлик учун иш берувчига жарима санкциялари қўллаш бўйича таклиф ҳам қабул қилиниб, Солиқ кодексининг 223-моддасида акс эттирилди.

**4.4. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2018 йилги ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш якунлари** билан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик юзасидан Молия вазирлигига харажат қисми бўйича 24 та бандда 47 та топшириқдан иборат кўрсатма юборилди.

Ҳисоб палатаси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида киритилган кўрсатма хати ижроси бўйича **8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари** (амалдагига ўзгартириш ва қўшимчалар) ишлаб чиқилди.

Шундан, 2 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси, 5 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаси, 1 та Молия вазирлигининг умуммажбурий тусга эга йўриқномаси ишлаб чиқилган.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли қарори қабул қилинган.*

*Мисол учун, кўрсатма хатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тегишли қарор асосида давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг пуллик хизмати фаолиятини тартибга солувчи Низом ишлаб чиқилишини таъминлаш сўралган.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5814-сонли Фармони қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик Агентлиги ташкил этилган.*

Юқоридагилардан ташқари, Ҳисоб палатасининг таклифлари асосида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори ўзгартиришлар киритилиб, ходимларнинг меҳнат интизомини бузганлиги учун қўлланилган жарималар бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармасига эмас, тегишли бюджет даромадига ўтказилиши белгиланди.

**V. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромад бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятлари белгиланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш**

**5.1.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолаш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига тегишли ўзгаришлар киритилмасдан асоссиз равишда **41** та туман(шаҳар)да тасдиқланган параметрларга 34,5 млрд сўм ўзгартиришлар киритилганлиги аниқланди. *(10 та ҳудудда 15,3 млрд сўмга кўпайтирилган, 31 та ҳудудда 19,4 млрд сўмга камайтирилган).*

Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларида кўрсатилган бюджет даромадларини бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш меъёрларни Молия органлари томонидан “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га нотўғри киритилганлиги натижада, **6** та ҳудудда маҳаллий бюджет даромадлари республика бюджетига нотўғри тақсимланган.

Шунингдек, 59 та туман(шаҳар)да маҳаллий бюджетлари даромадлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари туман(шаҳар)лар бюджетларига нотўғри тақсимланган.

**5.2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2019 йил 31 октябрда ўтказилган йиғилиш баёнида берилган топшириққа асосан 2020 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари кўриб чиқилди.

Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасидаги тақсимот юзасидан **7 та** солиқ турлари бўйича прогноз кўрсаткичларига тузатишлар киритиш тўғрисида тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан бюджет даражалари ўртасида даромадларни бириктиришда номувофиқликлар бартараф қилинди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

- ҳудудий бюджет маблағлари тақсимланишида соҳалар кесимида харажатлар миқдорини **201 та** ҳолатда камайтириш ва **186 та** ҳолатда ошириш;

- вилоятлар бюджетларидан шаҳар ва туманлар бюджетларига ажратилиши кўзда тутилган трансферт маблағларини **22 та** туманда кўпайтириш ва **9 та** туманда камайтириш;

- **15 та** туман харажатлари режасини кўпайтирган ҳолда вилоят бюджетидан камайтириш;

- бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида қайтадан кўриб чиқиш ҳамда Халқ депутатлари Кенгаш қарорлари лойиҳаларини қайтадан шакллантириш юзасидан тавсиялар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун нормаларига Халқ депутатлари вилоятлар кенгаши Қарорларини мувофиқлаштириш юзасидан **93 та** ҳолат бўйича тавсиялар тайёрланди.

Молия вазирлиги томонидан айрим солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш бўйича таклиф киритилган эди.

Ушбу таклиф Ҳисоб палатаси томонидан кўриб чиқилиб, маҳаллий ҳокимликларнинг ўзини-ўзи молиявий таъминлаши, ҳудудлардаги долзарб ижтимоий муаммоларни бартараф учун етарли маблағлар захирасини яратиш, даромадлар йиғувчанлигини ошириш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қўшимча даромадларни тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қолдириш тавсияси берилди.

Мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли қарорида ўз аксини топди.

**5.3. Ҳудудий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилган даромадларни прогноздан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилиши.**

2019 йил давомида 4 та вилоят, 1 та шаҳар ва 1 та туманда қўшимча манбалар сарфланиши ўрганилиб жами хато ва камчиликлар аниқланди.

Жумладан:

а) қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига товарларни юқори нархларда киритиш, бажарилмаган иш ҳажмларини қўшиб ёзиш ҳисобига маблағлар ортиқча сарфлаб юборилган.

б) давлат харидларига оид қонун талабларига риоя этилмасдан тўғридан-тўғри шартномалар орқали қиммат нархларда товарлар харид қилиниши натижасида ортиқча сарфланган.

в) ортиқча тўланган солиқ тўловлари чегириб қолинмаганлиги натижасида манбасиз харажатлар амалга оширилган.

г) рухсат этилмаган (*лимит ажратилмаган*) ташкилотларга, меъёрдан ортиқча ва ваколатли органлар билан келишилмаган ҳолда 65 та енгил автомашиналар харид қилинган.

д) эгаллик ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳамда давлат эҳтиёжи учун олинмаган турар ва нотурар жой эгаларига товон пуллари қонунчиликка амал қилинмаган ҳолда тўланган.

е) хизмат уй-жойларига меъёрдан ортиқча жиҳозлар харид қилинган.

ж) ходимларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари учун ортиқча сарфланган.

## VI. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор, фармойиш ва баёнларидаги топшириқлар ижросини назорат қилиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича онлайн режимда ишловчи “ijro.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизими 2019 йил 1 январдан расман ишга туширилди.

Ягона идоралараро ижро интизоми тизими (“ijro.gov.uz”) дастурига уланган вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқарув органлари ва қуйи тизим ташкилотлари сони **271** тани ташкил қилди.

Ушбу Бошқарув органлари таркибидаги **4 000** дан ортиқ бўлинмалар тизимга уланди ва **28 682** та масъул ходимга тизим орқали ахборот алмашиш имконияти (электрон калит) берилди.

Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари “ijro.gov.uz” электрон тизимига уланган давлат бошқаруви марказий идоралари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар кесимида бириктирилган ҳолда топшириқлар ижросини назорат ишлари ташкил қилинди.

**217** та вазирлик ва идоралар раҳбарларининг буйруқлари асосида ижро интизоми бўйича **651** та масъул раҳбар ўринбосарлари, бошқарма (бўлим) бошлиқлари ва масъул ходимлар белгиланди ҳамда улар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди.

“ijro.gov.uz” электрон тизими орқали масъул вазирлик ва идоралар томонидан киритилаётган ахборотларни Ҳисоб палатасига киритишдан олдин **Вазирлар Маҳкамасининг** масъул котибиятлари кесимида қайта ишлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Электрон тизим Президент Администрациясининг барча бўлинмаларига уланди ва топшириқлар ижроси бўйича Администрация раҳбарининг фармойиши билан масъуллар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигининг ички назорат тизими “ijro.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизими орқали йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **3 393** та (2019 йил 1 январда 3 151 та) ҳужжатлари ва улардаги **34 131** та (25 642) топшириқлар “ijro.gov.uz” тизимига киритилди ва ижрочилар билан “online” режимда назорат ўрнатилди.

Ҳужжат тури	Ҳужжат сони	Топшириқ сони	Ижро муддати келган топшириқлар			
			Жами	Ижроси таъминланган	Ижроси таъминланмаган	Фоиз
Фармон	817	4 291	3 411	3 297	114	97%
Қарор	1 674	14 946	9 948	9 725	223	98%
Фармойиш	707	772	682	677	5	99%
Баён	195	14 122	11 605	11 315	290	97%
<b>Жами</b>	<b>3 393</b>	<b>34 131</b>	<b>25 646</b>	<b>25 014</b>	<b>632</b>	<b>97%</b>

Хусусан, тизимга **817 та** Фармондаги **4291 та**, **1674 та** қарордаги **14 946 та**, **707 та** фармойишдаги **772 та** ва **195 та** баёндаги **14 122 та**, жами **34 131 та** топшириқлар киритилган ва муддати келган **25 014 та** топшириқнинг (97%) ижроси таъминланган.

Шундан, 2019 йил давомида **242 та** ҳужжат ва унда белгиланган **8 489 та** топшириқ қўшимча равишда тизимга киритилиб, ижроси назоратга олинди.

Шўба ходимлари томонидан “ijro.gov.uz” электрон тизими орқали вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши юзасидан киритилган **47 591 та** мурожаати кўриб чиқилди, шундан **39 420 таси** (83%) қабул қилинди ва **8 171 таси** (17%) қабул қилиш рад этилиб, қайта ишлар учун қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида соҳалар бўйича ўтказилган мажлис ва ташриф баёнлари ижроси устидан доимий назорат ўрнатилиб, ижроси юзасидан Президент Администрацияга ва Вазирлар Маҳкамасига **105 та** таҳлилий маълумотлар киритилди. Шунингдек, айрим тармоқлар бўйича ижро ҳолати маълумотлари топшириқлар асосида ишчи тартибда тақдим этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари олдида **15 мартаба** жойига чиққан ҳолда топшириқлар ижроси танқидий ўрганилди ва Давлат раҳбари томонидан ўтказилган йиғилишларда муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3962-сонли қарори асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилгандан сўнг узайтирилиши белгиланган.

Ҳисоб палатаси томонидан топшириқлар ижро муддатларини узайтириш бўйича киритилган мурожаатларни кўриб чиқишнинг **мезонлари** ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мазкур масала юзасидан вазирлик ва идораларнинг **73 та** мурожаатлари кўриб чиқилди. Келтирилган сабаб ва омилларни чуқур таҳлил қилиш асосида **59 та** топшириқлар муддатини узайтириш бўйича хулосалар Президент Администрациясига киритилди, **14 та** мурожаатлар эса рад этилди.

Ҳисоб палатаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ижросини муддатида бажармаган вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жавобгарлик масаласини Ҳукумат раёсати йиғилишларида муҳокама қилиш ва уларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.



## VII. Олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар амалга оширилишининг тўлиқлиги ҳамда самарадорлиги бўйича назоратни ташкил этиш

**7.1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5565-сон Фармонида мувофиқ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва унга кўмаклашиш йўналишида 2019 йилда Ҳисоб палатаси томонидан тегишли ишлар олиб борилди.

Ўтган даврда (2017 йил бошидан) **19 та** давлатлар бўйича **54 та**, жумладан 2019 йилда **14 та** олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди.

Ташрифлар якунларига кўра жами **43 та** “Йўл харита”лари тасдиқланган бўлиб, шундан 19 таси Президент қарорлари ва 3 таси Президент фармойишлари билан, 21 таси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган битимлар ва эришилган келишувларни ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши мониторинг ва назорат қилишнинг **янги механизми** жорий қилинди.

Ушбу мақсадда “[Ijro.gov.uz](http://ijro.gov.uz)” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида **янги модуль** яратилиб, унга **202 та** вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда **56 та** Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари уланди ва улар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Натижада, келишув ва битимлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг бажарилишида вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда дипломатик ваколатхоналарнинг масъулияти ошди, тезкор ахборот алмашиш, тизим орқали маълумотларни давлатлар, вазирлик ва идоралар кесимида жамлаш ва тезкор ҳисоботлар тайёрлаш имконияти яратилди.

Ҳисоб палатаси томонидан олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар бўйича қабул қилинган “Йўл харита”ларида белгиланган жами 129,9 млрд долл. қийматдаги 4 050 та келишув ва тадбирларнинг маълумот базаси яратилди. Жумладан:

- **106,1 млрд долл.га тенг 795 та** инвестиция келишувлари;
- **21,1 млрд долл.га тенг 800 та** ташқи савдо битимлари;
- сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва бошқа йўналишларда **2,7 млрд долл.лик 2 455 та** келишув ва тадбирлар кўзда тутилган.

Жумладан, **2019 йил** давомида **12 та** олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича **35,4 млрд долл.** қийматдаги **1 095 та** келишувлар имзоланиб, уларни амалга ошириш бўйича “Йўл хариталари” тасдиқланди.

Ташрифлар давомида **Россия, АҚШ, Хитой, Корея, Япония, Туркия, Франция, Германия, БАА** ва **Ҳиндистон** давлатлари билан иқтисодий муносабатлар янада кенгайиб, ушбу давлатлар билан имзоланган инвестиция келишувлари ҳажми **96,5 млрд долл.**ни ёки жами келишувларнинг **91** фоизига етди.

Имзоланган ташқи савдо битимларида экспорт келишувлари **721 та** (**14,3 млрд долл.**), импорт келишувлари эса **79 тани** (**6,8 млрд долл.**) ташкил қилган. Бунда, ташқи савдо битимлари бўйича асосий ҳамкорлар Россия, Хитой, АҚШ, Япония, БАА ва Туркия давлатлари (**улуши 89%**) ҳисобланади.



Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ҳамда бошқа йўналишларда эришилган 2 455 та келишув ва тадбирларнинг асосий қисми (**42%**) Россия, Беларуссия, Корея, Ҳиндистон, Тожикистон давлатлари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитлари ҳиссасига тўғри келади.

**7.2.** “Йўл харита”ларига киритилган **85 та** вазирлик, идора, бирлашма ва маҳаллий ҳокимлик органларининг **106,1 млрд долл.** қийматдаги **795 та инвестиция** келишувлари ижроси ўрганиб чиқилди.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган келишувлар ижросини назорат қилиш билан биргаликда, уларни амалга ошириш бўйича бир қатор ишлар ташкил қилинди.

Жумладан, Ҳисоб палатаси томонидан ижрочи вазирлик, идора ва корхоналар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида **118 та (15%)** келишувлар (**11,2 млрд долл.**) бўйича “Йўл харита”ларида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилди (*Хитой* (26 та – 4,3 млрд долл.), *АҚШ* (16 та - 2,4 млрд долл.), *Туркия* (26 та - 434 млн долл.), *Россия*, (17 та - 221 млн долл.), *Корея* (11 та - 183 млн долл.).

Ҳисоб палатаси ва Ҳавфсизлик Кенгаши аппарати томонидан келишувлар ижросини жадаллаштириш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари иштирокида мунтазам муҳокамалар йўлга қўйилди. Муҳокамаларда мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Натижада умумий **31,6 млрд долл.** қийматдаги **292 та** инвестиция келишувларини жадаллаштириш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан:

- умумий қиймати **11,2 млрд долл.** бўлган **114 та** келишувлар бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши;

- **4,8 млрд долл.**лик **5 та** йирик лойиҳалар бўйича бизнес-режа, техник-иқтисодий асос ва лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши;

- **860 млн долл.**лик **22 та** лойиҳа бўйича ер майдонлари ажратилиши ва лойиҳа дислокацияси белгиланиши;

- **1 490 млн долл.**лик **39 та** келишувлар бўйича хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга ва маҳаллий ҳамкорларнинг чет элга ташрифлари ташкил этилиши;

- **3 та** лойиҳа бўйича **444 млн долл.** кредит линиялари очилиши;

- **510 млн долл.**лик **4 та** келишувлар бўйича хорижий ҳамкорларга банк, узлуксиз электр ва газ таъминоти кафолатлари тақдим этилиши таъминланди.

**7.3.** Тасдиқланган графикка асосан алоқадор вазирлик ва идоралар мутахассисларини жалб қилган ҳолда республика ҳудудларида амалга оширилаётган (*инвестиция дастурлари, олий даражадаги ва Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари доирасида*) лойиҳалар ижроси **жойига чиққан ҳолда** ўрганилиб, уларни жадаллаштириш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилди.

Ҳисобот йилида республиканинг **11 та** ҳудудида (*Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Наманган, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Жиззах вилоятлари*) таҳлил ишлари ўтказилди.

Ўтказилган ўрганишларда умумий қиймати **66,9 млрд долл.** бўлган **9 686 та** лойиҳалар ҳолати таҳлил қилинди.

Шундан, **олий даражадаги** ташрифлар доирасида имзоланган **300 та** (18,3 млрд долл.) келишувлар, **453 та** (30,2 млрд долл.) **инвестиция дастури** лойиҳалари, Давлат Раҳбарининг **ҳудудларга ташрифлари** доирасида амалга ошириладиган **8 814 та** (16,3 млрд долл.) лойиҳалар ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг **хорижий ташрифлари** доирасида имзоланган **119 та** (2,0 млрд долл.) келишувлар ўрганилди.

Ўрганишлар давомида 1 913 та лойиҳаларни амалга оширишда муаммолар аниқланди ва уларнинг 448 таси бўйича ўрганиш даврида амалий ёрдам кўрсатилди.

Шундан, 40 та лойиҳаларнинг газ ва 63 танинг электр таъминоти, 6 та лойиҳани сув тармоғига улаш, 37 та лойиҳа учун ер майдонлари ажратиш, 234 та лойиҳа бўйича кредит ажратиш ва 68 та лойиҳа бўйича бошқа масалалар ҳал этилиши таъминланди.

Ҳудудларда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш юзасидан муддат ва масъуллар белгиланган чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

“Йўл харита”лари ижросини назорат қилишда объектив сабабларга кўра амалга ошмаётган лойиҳалар ўрнига истиқболли янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Давлат раҳбарига таклифлар киритиб борилди.

Амалга оширилмаётган келишувларни янги лойиҳалар билан алмаштириш ва истиқболсиз келишувларни чиқариб ташлаш натижасида “Йўл харита”ларига **ўзгартиришлар киритилиб**, келишувлар сони **56 тага** камайтирилди.

Олий даражадаги ташрифлар доирасида ҳужжатлар ижросини ўрганиш натижалари бўйича Давлат раҳбарига жами **61 та**, шундан 2019 йилда **51 та** таҳлилий ахборотлар киритилди ва ижрочи вазирлик, идора, хўжалик бошқаруви ва маҳаллий давлат органлари ҳамда Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига тегишли топшириқлар берилди. Топшириқлар ижроси устидан доимий назорат йўлга қўйилди.

## VIII. Стратегик корхоналар иштирокидаги ҳамда ҳудудий даражадаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини назорат қилиш ва унга кўмаклашиш

Ҳисоб палатаси томонидан 2019 йилда умумий қиймати **102,5** млрд долл. бўлган **15 506** та инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан мониторинг ўрнатилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарорида (*инвестиция дастури*) белгиланган кўрсаткичларни бажарилишини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатаси томонидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилди.

Инвестиция дастурига (*дастлабки тасдиқланган дастур*) асосан **60,2** млрд долл.лик **554 та** лойиҳалар амалга оширилиши ва 2019 йилда **9,6** млрд долл. ўзлаштирилиши белгиланган эди.

Инвестиция дастурига киритилган ўзгартиришлар натижасида умумий қиймати **73,5** млрд долл.лик **1 310 та** лойиҳа бўйича 2019 йилда **12,6** млрд долл. ўзлаштириш кўрсаткичлари қайта режалаштирилди.

*Жумладан, халқаро молия институтлари – 2,7 млрд долл., тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 7,1 млрд долл (тармоқ - 4,5 млрд долл. ва ҳудудий - 3,6 млрд долл.), тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари – 0,9 млрд долл., тижорат банклари кредитлари – 0,8 млрд долл. ва ташаббускорларнинг ўз маблағлари – 1,1 млрд долл.*

**2019 йилда инвестиция дастури доирасида** лойиҳа ташаббускорлари томонидан амалда **16** млрд долл. **ўзлаштирилди**.

*тармоқ лойиҳалари – 11,2 млрд долл. (123 фоиз) ва ҳудудий лойиҳалар – 4,8 млрд долл. (136 фоиз).*

*Жумладан:*

- *халқаро молия институтлари – 3,9 млрд долл. (149 фоиз);*
- *тўғридан-тўғри инвестициялар – 9,3 млрд долл (130 фоиз);*
- *тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари – 0,8 млрд долл. (90 фоиз);*
- *тижорат банкларининг кредитлари – 0,7 млрд долл. (93 фоиз);*
- *ташкilotларнинг ўз маблағлари – 1,2 млрд долл. (114 фоиз) ўзлаштирилди.*

Бу кўрсаткичларга Инвестиция дастурини қайта режалаштириш ҳамда дастурга кирмаган қўшимча **1 839 та** ҳудудий лойиҳалар эвазига эришилди.

2019 йилда қиймати **5,4** млрд долл.лик **312 та** лойиҳаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари **ишга туширилди** ва **20 794 та** янги иш ўринлари яратилди.

Шундан, тармоқ лойиҳалари бўйича қиймати **4,6** млрд долл.лик **145 та** лойиҳаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари **ишга туширилди** ва **9 722 та** янги иш ўринлари яратилди.

**Мисол учун**, “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан “Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан бутан аралашмасини олиш қурилмаларининг 1-, 2-, 3-тармоқларини модернизация қилиш”, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан “Туябўғиз” сув омборида кичик ГЭС қуриш” каби йирик лойиҳалар ишга туширилди.

- худудий лойиҳалар бўйича қиймати **859** млн долл.лик **167** та лойиҳаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари **ишга туширилди** ва **11 072** та янги иш ўринлари яратилди.

**Худудлар кесимида:** Қорақалпоғистон Республикаси (8 та лойиҳа), Андижон вилояти (31), Бухоро (9), Жиззах (4), Қашқадарё (9) Навоий (11), Наманган (13), Самарқанд (18), Сурдарё (5), Сурхондарё (9), Тошкент (1), Фарғона(15), Хоразм (10) ва Тошкент шаҳри (24).

**Мисол учун,** "Азия сера Навои" МЧЖ негизда иссиқхона қуриш, "Surxonsementinvest" негизда цемент ишлаб чиқариш, "Wind Rose" МЧЖ томонидан музсаройини ташкил этиш, "Khan tex" МЧЖда пахтачилик кластерини ташкил этиш каби лойиҳалар ишга туширилди.

Шу билан бирга, қоқоқликларга йўл қўйилган ва ишга туширилмаган **970** млн долл.лик **15** та лойиҳалар ҳамда прогноз кўрсаткичлари тўлиқ ўзлаштирилмаган **645** млн долл.лик **66** та лойиҳалар алоҳида назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига асосан Ҳисоб палатаси томонидан худудлар кесимида ўзлаштирилган (асосий капиталга) **тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** ва кредитлар ўрганилди.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра худудлар кесимида (**5** млн долл. ва ундан кўп ўзлаштирилган) жами **118** та лойиҳалар ўрганилиб, жами **1 692,5** млн долл. миқдорида хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилган.

Ушбу кўрсаткичларни шартли равишда баҳолаш натижасида ҳақиқатда жами **1 548,6** млн долл. (91 фоиз) миқдорида маблағлар ўзлаштирилганлиги маълум бўлди. Шундан:

- ўз маблағлари ҳисобидан - **187** млн долл.;
- тижорат банклар кредитлари - **83,5** млн долл.;
- хорижий инвестиция - **941,6** млн долл.;
- халқаро молия институтлари маблағлари - **281,9** млн долл.;
- грантлар - **9,5** млн долл.;
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **45,1** млн долл. ўзлаштирилган.

Шартли равишда баҳолаш натижаларига кўра ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ҳажми статистик ҳисоботларда ортиқча кўрсатилганлиги аниқланди.

Мисол тариқасида:

**Қорақалпоғистон Республикаси** – "Dayplast Nukus" МЧЖнинг "Сўндирилган гидратли оҳак тошини ишлаб чиқариш" лойиҳаси бўйича хорижий инвестиция маблағлари статистик ҳисоботлардан икки мартаба ўтказилган.

"Qarataw Cement" МЧЖнинг "Цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси бўйича статистик ҳисоботлардаги хорижий инвестиция ва кредит маблағлари эса амалда ўзлаштирилмаган ҳамда ишлар бошланмаган.

Инвестиция лойиҳалари бўйича ишларнинг бориши ва мавжуд муаммолар ечими юзасидан Давлат раҳбарига **8** та, Президент Администрациясига **10** та, Вазирлар Маҳкамасига **2** та таҳлилий маълумотлар, шунингдек вазирлик ва идоралар, худудий ҳокимликларга **100** дан ортиқ кўрсатмалар юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида умумий қиймати **29,9** млрд долл. жами **12 357** та лойиҳалар шакллантирилиб, 2019-2020 йилларда амалга оширилиши ҳамда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун ўз маблағлари ҳисобидан **7,1** млрд долл., банк кредитлари маблағлари ҳисобидан **2** млрд долл., тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ва инвестициялар ҳисобига **25,5** млрд долл. маблағлар жалб қилиниши белгиланди.

2019 йил давомида мазкур объектларда жами 8,3 млрд долл. маблағлар ўзлаштирилди, жумладан ўз маблағлари ҳисобидан 2,3 млрд долл., банк кредитлари маблағлари ҳисобидан 1,2 млрд долл., тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ва инвестициялар ҳисобига 4,8 млрд долл. маблағлар ўзлаштирилди.

Натижада умумий қиймати 5,5 млрд долл. тенг бўлган 7 112 та лойиҳа ишга туширилди ва 105 426 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари доирасида **дипломатик ваколатхоналар томонидан тақдимот қилинган** ва таклиф этилган **5 716,5** млн долл. қийматдаги **260** та лойиҳалар ҳолати жойига чиққан ҳолда таҳлил ишлари олиб борилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида 2019-2023 йилларда 5 392,5 млн долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 203,9 млн долл. ўз маблағлари ва 54,2 млн долл. банк кредитлари жалб қилиниши ҳамда 37 374 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Инвестицияларнинг энг кўп салмоғи **Хитой** (1 752 млн долл.), **Корея** (1 140 млн долл.), **Буюк Британия** (464 млн долл.), **Туркия** (374 млн долл.), **Россия** (334 млн долл.) ва **Малайзия** (250 млн долл.) давлатларидаги элчихоналар ҳиссасига тўғри келади.

Ўрганиш кунига **185,9** млн долл. капитал қўйилмалар ўзлаштирилган, 29,9 млн долл. қийматдаги **20** та лойиҳалар, шундан Афғонистондаги дипломатик ваколатхона ташаббуси билан амалга оширилган 4 та (3,8 млн долл.), Хитой бўйича 14 таси (22,8 млн долл.), Туркия (3 млн долл.) ва Япониядаги (0,3 млн долл.) ваколатхоналар ташаббуси билан 1 тадан лойиҳалар ишга туширилган.

*Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида хитойлик ҳамкорлар билан қиймати 2,4 млн долл. бўлган целюлоза ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, йилига 8 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.*

Ўрганиш натижаларига кўра лойиҳаларни жадаллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган ҳолда Президент Администрациясига таҳлилий ахборот киритиб борилди.

## IX. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсати, давлат активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, олтин-валюта захираларини бошқариш, шунингдек қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан бажарилаётган операциялар таҳлили

Ҳисоб палатасига юклатилган вазифалар доирасида республикада амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати, олтин-валюта захиралари ҳолати юзасидан мунтазам назорат олиб борилди. Бунда асосий эътибор тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги, ажратилаётган кредит маблағларининг самарадорлигини баҳолашга қаратилди.

**9.1.** Ҳисобот йилида республика олтин-валюта захираларининг ҳолати устидан доимий назорат олиб борилди.

Олтин-валюта захиралари 2019 йил давомида 2 090,7 млн долл.га ёки **7,7** фоизга кўпайиб, **29 172,1** млн долл.ни ташкил этди.

Захира таркибидаги монетар олтин ҳажми 18,7 тоннага камайган бўлсада, халқаро бозорларда олтин нархининг ошиши ҳисобида қиймати 1 688,5 млн долл.га кўпайган.

Шунингдек, валюта шаклидаги захиралар миқдори йил давомида **402,2** млн долл.га кўпайди.

*Республика олтин-валюта захиралари таркибида валюта маблағлари улуши 44 фоизни ташкил қилиб, асосан ЎТТЖнинг (ФРПУ) чет эл банкларига жойлаштирилган депозитлари ҳисобланади.*

Ҳисоб палатаси томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг шаклланиши юзасидан назорат ўрнатилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий соҳаларга ажратилган кредитлар муддати узайтирилганлиги сабабли 2022-2024 йилларга келиб кредитларни қайтариш юки кескин ошиши таҳлил қилинди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратилган кредитлар муддатини узайтириш амалиётини қайта кўриб чиқиш, 2019 йилда айрим кредитларни муддатидан олдин қайтариш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда Давлат раҳбарининг розилиги билан ижроси назоратга олинди.

Натижада Жамғарма томонидан инвестиция лойиҳалари ва дастурларни амалга ошириш учун аввал берилган кредитларнинг қайтарилиши 2019 йилда **90,3** млн долл. миқдоридан прогноз қилинган бўлса, ҳақиқатда **216,9** млн долл., яъни прогнозга нисбатан **2,5** баробар кўп маблағлар қайтарилди.

Бу эса ўз навбатида республика олтин-валюта захираларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

**9.2.** Молия бозорлари, жумладан қимматли қоғозлар ва суғурта бозорларининг бугунги кундаги ҳолати ва уларни такомиллаштириш масалалари юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Ўрганиш давомида соҳадаги умумий ҳолат, сўнгги йиллардаги молиявий кўрсаткичлар тенденцияси таҳлил қилиниб, муаммо ва тизимли камчиликлар ёритилди. Уларни бартараф этиш бўйича **14** та таклифлар ишлаб чиқилиб, Президент Администрациясига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2019 йил 10 июлда ўтказилган йиғилишда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари, 2019 йил 7 октябрдаги йиғилишда фонд бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

2019 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Ҳисоб палатаси томонидан берилган 4 та таклифларнинг амалий ижроси ўз аксини топди.

Хусусан, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясининг вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилиб, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

**9.3.** Ҳисоб палатаси, Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил (Бизнес-омбудсман) ҳамда Марказий банк биргаликда тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилган, лекин тўлиқ ишга туширилмаган лойиҳалар юзасидан хатлов ва ўрганишлар ташкил қилинди.

Марказий банк билан биргаликда 2017-2018 йилларда **8 604,6** млрд сўм кредитлар ажратилган, лекин ишга туширилмаган **1 925** та лойиҳалар рўйхати шакллантирилди ва бевосита жойига чиққан ҳолда бирма-бир ўрганилди.

Умумий қиймати 3 383,6 млрд сўмлик 229 та лойиҳалар бўйича инфраструктура таъминоти, рухсат бериш таомиллари, айланма маблағлар, ер ва бинолар ажратилиши каби масалаларда муаммолар аниқланди.

Ўрганишлар жараёнида бевосита амалий ёрдам билан **313,7** млрд сўм қийматдаги **47** та лойиҳалар фойдаланишга қабул қилиниши таъминланди.

Аниқланган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, тизимли камчиликларни олдини олиш, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқилиб, Президент Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши бўйича Марказий банк билан биргаликда мунтазам равишда назорат йўлга қўйилди. Натижада, йил якунига қадар юқоридаги лойиҳаларнинг **1 798** таси (ажратилган кредит – 6 950,6 млрд сўм) ёки **80** фоизи ишга туширилиши таъминланди.

**9.4.** Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, хусусан, интенсив боғ ва токзорларни барпо қилиш, сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, иссиқхоналар ташкил қилиш учун ажратилган кредитлар, шу жумладан халқаро молия ташкилотлари маблағларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилди.

Мазкур соҳалар учун ҳудудларда тижорат банклари томонидан 2017-2019 йилларда 3 139 нафар хўжалик субъектларига ажратилган **8 554,9** млрд сўм кредитлар қамраб олинди.

Таҳлилларга кўра, соҳага ажратилган кредитнинг фақатгина 10 фоизи маҳсулотларни қайта ишлаш лойиҳаларига йўналтирилган бўлса, 14 фоизи совутгичли сиғим ва логистика марказларига, қолган қисми эса (76 фоиз) мева-сабзавот маҳсулотларини дастлабки етиштириш лойиҳалари (иссиқхона, боғ ва токзорлар ташкил қилиш) ҳиссасига тўғри келади.

Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда кредит ажратилган ҳар бир лойиҳанинг самарадорлиги ҳамда белгиланган қувватларда ишлаши ўрганиб чиқилди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси нисбатан паст бўлган соҳа ва ҳудудлар таҳлил қилиниб, тегишли таклифлар Президент Администрацияси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилинди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида кластер тизимларини ташкил этилишида ҳудудларда банк кредитлари ҳисобига яратилган ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисидаги таҳлиллар ва маълумотлардан фойдаланилмоқда.

**9.5.** Республикада тижорат банклари томонидан давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва самарадорлиги юзасидан ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига республиканинг барча ҳудудларида Давлат дастурлари доирасида 8 384,8 млрд сўм кредит маблағлари ажратилган.

Мазкур маблағлар асосан куйидаги 7 та йўналишдаги дастурлар асосида ажратилган:

- “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури бўйича 6 536,0 млрд сўм (ПҚ-3777);
- “Ёшлар келажагимиз” дастури бўйича 822,0 млрд сўм (ПФ-5466);
- ҳунармандчиликни ривожлантиришга 371,0 млрд сўм (ПФ-5242);
- фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 225,1 млрд сўм (ПҚ-3680);
- хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан 164,1 млрд сўм, маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар ҳисобидан 186,1 млрд сўм, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 80,5 млн сўм.

Ҳисобот йилида Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах ҳамда Қашқадарё вилоятларида аҳолини бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган **1 971,1** млрд сўмлик кредитларнинг мақсадли ишлатилиши таҳлил қилинди.

Мақсадсиз ишлатиш ҳолатларининг сабаблари ва бу борадаги тизимли камчиликлар таҳлил қилиниб, давлат дастурлари бўйича молиялаштириш жараёнида замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш, таъминотчи корхоналар фаолияти шаффофлигини ошириш, жойларда сектор раҳбарлари ва “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари” фаоллиги ва масъулиятини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

**9.6.** Тижорат банкларининг 2019 йилдаги инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган “Йўл харита” ижроси ўрганиб борилди, хусусан соҳадаги вазифалар ижроси Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бевосита жойида ўрганилди.

Жумладан, тижорат банклари таркибий тузилмаларида “Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш” Марказларини ташкил этилиши, улардаги кадрларнинг касбий билим ва малакалари, тизимли равишда “Ягона дарча” тамойили асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш, хорижий кредит линияларининг ўзлаштирилиши натижалари кўриб чиқилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш борасидаги ишлар натижадорлигига қаратилди. Хусусан, хорижий кредит линияларини ўзлаштириш даражаси банкларнинг тегишли фаолиятини баҳолаш меъзонларидан бири сифатида белгиланди.

2019 йил якуни бўйича республикадаги 19 та банклар томонидан жами **10,7** млрд долл. қийматдаги 197 та хорижий кредит линиялари жалб қилинган бўлиб, 2019 йил давомида 174 та линиялар бўйича **3,4** млрд долл., шу жумладан инвестиция дастури доирасида **2,0** млрд долл маблағлар ўзлаштирилди ва прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди.

Хорижий кредит линияларини жалб қилишда етарлича фаоллик кўрсатмаётган тижорат банклари, ўзлаштириш даражасидаги қолақликлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида батафсил ахборотлар ҳар ой якуни бўйича Президент Администрациясига киритиб борилди.



## X. Товар ва хизматлар импорти ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш борасида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги ПҚ-4426-сон қарорига асосан Ҳисоб палатасида алоҳида таркибий тузилма ташкил этилди ва қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

- бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан амалга оширилган импорт ҳажмлари ва номенклатурасини доимий таҳлил қилиш;

- давлат харидлари доирасида сотиб олинган маҳсулотларнинг асосланганлиги, импортдан олинган маҳсулотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари – резидентлардан харид қилинган импорт маҳсулотларининг нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ўрганиш;

- ўтказилган ўрганиш ва таҳлил натижалари бўйича маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан тайёрланган маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб бориш.

Ҳисоб палатаси томонидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Божхона қўмитаси, Марказий банк, Статистика қўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда юқорида қайд этилган йўналишларда амалий ишлар бошланди.

**10.1.** Республикада **импорт операцияларининг** амалга оширилиши, уларнинг таркиби ва динамикаси юзасидан ўрганишлар йўлга қўйилди.

Жумладан, 2019 йилнинг йилнинг август-ноябрь ойлари якуни ҳамда йил якуни бўйича республикада импорт операцияларининг амалга оширилиши, уларнинг таркиби ва динамикаси юзасидан ўрганишлар ўтказилди ҳамда мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар Президент Администрациясига киритилди.

Хусусан, 2019 йилда республика ташқи савдо айланмаси 2018 йилнинг мос даврига (33 430,0 млн долл.) нисбатан 24,8 фоизга ошган ҳолда **41 717,9 млн долл.** ташкил қилди.

Жумладан, экспорт миқдори **17 441,7 млн долл.**ни, импорт эса **24 276,1 млн долл.**ни ташкил қилиб, ташқи савдо айланмаси **6 834,4 млн долл.** манфий қолдиққа эга бўлди.

Бунда, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан экспорт **24,7** фоизга ошган бўлса, импорт **24,9** фоизга ошди.

Импорт таркибида товарлар импорти **21 854,3 млн долл.** ёки 90 фоизни ташкил қилса, хизматлар улуши **2 421,8 млн долл.** ёки 10 фоиздан иборат.

Шу билан бирга, **бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари** ҳисобидан, шунингдек **мониторинг юритиладиган корхоналар** томонидан амалга оширилган импорт ҳажмлари ва номенклатурасини доимий таҳлил қилиш мақсадида жами **12 491 та** юридик шахсларнинг рўйхатлари шакллантирилди ва улар томонидан амалга оширилаётган импорт операциялари доимий таҳлил ва назоратга олинди.

Хусусан, 2019 йил бошидан давлат харидлари доирасида миллий валютада жами **128 550,5** млрд сўмлик **1 307,6** мингта битимлар тузилган.

Ўтган йилнинг **декабрь** ойида давлат харидлари доирасида миллий валютада тузилган шартномалар таҳлилига кўра биржа орқали сотиб олинаётган маҳсулотларнинг **62,3** фоизи хорижда ишлаб чиқарилган товарлар ҳиссасига тўғри келган.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Божхона ва Статистика қўмиталари билан биргаликда, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини статистик регрессия моделидан фойдаланган ҳолда **республика импортига таъсири** ўрганилди.

Ушбу таҳлиллар, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш импорт ҳажмининг камайишига нафақат ўз ижобий таъсирини, балки айрим турдаги маҳаллийлаштирилган товарлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслигини, истеъмол талабининг ўсиб бориши инobatга олинмаётганини кўрсатди.

Бевосита жойига чиққан ҳолда “**Ўзавтосаноат**” акциядорлик жамияти ва **Ўзсаноатқурилиш материаллари** уюшмаларида ўрганишлар ўтказилди ва натижалари бўйича Президент Администрациясига тегишли ахборотлар киритилди.

Мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар қилмасдан импорт ҳажмининг ошишига, айрим товарларни оширилган нархларда импорт қилишга ва бошқа камчиликларга йўл қўйган вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари ҳамда ҳудудий ҳокимликларга кўрсатмалар юборилди.

**10.2. Маҳаллийлаштириш дастурларининг шакллантирилиши ва ижроси юзасидан назорат ва таҳлиллар ўтказилди.**

Жумладан, **маҳаллийлаштириш дастури** бўйича 2019 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган **885** та лойиҳалардан **839** та (*режага нисбатан 119,4 фоиз*) лойиҳалар ишга туширилганлиги, **46** лойиҳалар (*тармоқ корхоналари томонидан жами 21 та ва ҳудудий корхоналар томонидан жами 25 та*) амалга оширилмай қолганлиги аниқланди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 2020-2021 йиллар давомида камида **20 фоизга** оширишни назарда тутувчи маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш бўйича Ҳисоб палатасида муҳокамалар ўтказилиб, тегишли таклифлар асосида дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Натижада, мамлакат саноатини ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда кўламани кенгайтириш учун Дастур доирасида:

- 2020 йилда **1 397** та лойиҳа бўйича **26,7** трлн сўмлик (*шундан 834 та 8,8 трлн сўмлик янги лойиҳалар*);

- 2021 йилда **1 644** та лойиҳа бўйича **37,6** трлн сўмлик (*шундан 1 074 та 19,5 трлн сўмлик янги лойиҳалар*) маҳсулот ишлаб чиқариш кўзланган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга асосан 2020-2021 йиллар давомида маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар тўлиқ қувватга тушганда, жами **6 640,0** млн долл. импорт (*2020 йил 1 январь ҳолатига жами товарлар импорти 20 840,9 млн долл.*) ўрнини босиш самарадорлигига эришилади.

Топшириққа асосан, Ҳисоб палатаси, Ахборот технологиялари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг ижро ҳолатини доимий мониторинг қилиш имконини берувчи **дастурий таъминот** ишлаб чиқилди.

Тасдиқланган дастур асосида лойиҳалар ижроси юзасидан тизимли назорат ишлари олиб борилади.

## XI. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Администрацияси томонидан берилган алоҳида топшириқлар ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Администрацияси томонидан берилган алоҳида топшириқлар, Фармон ва қарорларда белгиланган тадбирлар ижроси юзасидан ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилди. Жумладан:

**11.1.** Худудларда нефть маҳсулотлари таъминотида, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ёқилғи мойлаш маҳсулотлари билан таъминлашда юзага келаётган муаммолар ўрганилиб, дизель ёқилғиси бўйича сунъий дебитор қарздорлик юзага келтирилганлиги аниқланди.

Шунингдек, нефть ва газ соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ва моддий-техник таъминот тизими самарадорлиги ўрганилди.

а) соҳада амалга оширилаётган **35** та, шундан амалдаги **19** та ва истиқболли **16** та лойиҳалар ҳолати жойига чиққан ҳолда таҳлил қилинди.

Таҳлил ва ўрганишлар натижасига кўра амалдаги **6** та инвестиция лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилаётган бўлса, **13** та лойиҳалар белгиланган муддатлардан кечикаётганлиги, молиялаштириш манбалари тўлиқ хал этилмаганлиги ва маблағлар самарасиз сарфланаётганлиги аниқланди.

б) “Ўзбекнефтьгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ ва тизим корхоналарининг моддий-техник таъминот тизими самарадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

Жумладан, соҳада **зарур товар-моддий бойликларга** бўлган эҳтиёжни режалаштириш ва харидларни реал эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш бўйича **ягона тизим** яратилмаганлиги аниқланди.

Омборлардаги **қолдиқ товар-моддий бойликларнинг** ягона ҳисоби юритилмаган, оқибатда омборда мавжуд товар-моддий бойликлар такроран харид қилинган ва омборда ноликвид товарлар тўпланиб қолган.

Ўрганишда товар-моддий бойликлар 4 ой ва ундан ортиқ муддатдан буён самарасиз, жумладан “Ўзтрансгаз” АЖ тизими омборларидаги 50% 5 йилдан ортиқ сақланаётганлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар натижаси бўйича аниқланган тизимли муаммоларга барҳам бериш, инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш ва амалдаги моддий-техник таъминоти тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан иборат ахборот киритилди.

**11.2.** Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектлари бузилиши натижасида етказилган зарарлар миқдори (товон пуллари) хатловдан ўтказилди.

Ўрганишлар давомида товон пуллари бўйича мавжуд қарздорликлар аниқланиб, шундан **235,6** млрд сўм пул ва **61,8** млрд сўм мулк шаклида, **28,9** млрд сўм ер участкаси ажратиш орқали қопланди.

Шунингдек, 10 та худуддаги қарздорлик таркибига ҳақиқатда тўланган товон пуллари ва рўйхатга асосиз киритилган қарздорликлар аниқланиб, ҳисобдан чиқарилиши таъминланди.

**11.3.** Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлиги тизимидаги нашриёт-матбаа ташкилотлари ўрганилиб, уларнинг молиявий-иқтисодий ҳолати, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва уларнинг

рақобатбардошлик даражаси, давлат улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда соҳага давлат-хусусий шерикчиликни жалб қилиш имкониятлари ўрганилди ва тегишли таклифлар тайёрланиб Президент Администрациясига киритилди.

**11.4.** Ҳисоб палатаси томонидан юқори ликвидли маҳсулотларнинг биржа савдоларида нархлари шаклланиши, савдоларни ташкил этилиши ҳамда давлат харидлари соҳасида ўрганиш ишлари олиб борилди.

“Ўзбекистон республика товар-ҳом ашё биржаси” АЖда **ун маҳсулотини** барча истеъмолчиларга ҳеч қандай чекловларсиз тасдиқланган ҳажмларда сотилишини, нарх шаклланиши ҳамда биржа савдоларини оптимал тарзда ташкиллаштириш бўйича кундалик мониторинг йўлга қўйилди.

Биржа савдоларини эркинлаштириш ва шаффофлигини ошириш борасида амалга оширилган чоралар натижасида, мониторинг ўрнатилган даврда ун нархининг сезиларли даражада тушишига эришилди.

*Хусусан, 24 октябрь ҳолатига республика бўйича 1 кг 1-навли уннинг ўртача биржа нархи 2,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, амалга оширилган тадбирлар натижасида 25 октябрь ҳолатига 2,5 минг сўмни (-3 фоиз), 26 октябрь ҳолатига 2,4 минг сўмни (-4 фоиз) ташкил қилди.*

Ўрганиш даврида ун нархининг чекланган миқдорларига риоя этилмаслик бўйича **36** та ҳолатлар аниқланиб, брокер ва харидорларга нисбатан белгиланган тартибда жарималар қўлланилди.

**11.5.** Топшириққа асосан Ҳисоб палатаси ишчи гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш ва инфраструктурани яхшилаш бўйича ишлар олиб борилди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг **Қуйи Чирчиқ тумани, Янгийўл шаҳар ва туманини** 2019-2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Биргина **Янгийўл шаҳрида** кўзда тутилган **265** та объектлардан (504,7 млрд сўм) **208** тасида (251,4 млрд сўм) қурилиш ишлари якунланди. 2020 йилда қарийб **300 га яқин** объектларда ишлар режалаштирилмоқда.

**Жумладан, 28 км** йўллар, **5** та кўприк, **23,2 км** ичимлик суви, **13,7 км** канализация тармоқлари, **35,4 км** электр тармоқлари, **28,3 км** газ тармоғи, **8 та** иссиқлик қозонхоналари, **31 та** сув насосларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

**11.6.** Йил давомида Тошкент шаҳри ҳудудидаги 12 та деҳқон бозорларида 15 турдаги истеъмол товарларининг сотиш нархлари устидан мониторинг ишлари давом эттирилди.

2019 йилда қўй гўшти 22 фоизга, мол гўшти 18,3 фоизга қимматлашган бўлса, ўсимлик ёғи нархлари барқарор сақланганлиги кузатилди.

Бозорлардаги ўртача нархлар ва уларнинг ўзгариш тенденцияси тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кунлик асосда киритиб борилди.

**11.7.** Топшириққа асосан тижорат банклари маблағлари ҳисобига Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри қурилган кўп қаватли уйларнинг (24 та уй, 576 хонадон) реализация қилинишида амалий ёрдам кўрсатилди

Хусусан, қўшимча 1,1 млрд сўм маблағлар жалб қилиниб, 8 та кўп қаватли уй-жойларда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди,

тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди, тижорат банкларининг кредитлаш шартлари мақбуллаштирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида қурилган хонадонлар учун талабгорларга **80,3** млрд сўм миқдорида ипотека кредитлари расмийлаштирилиб, уйларнинг асосий қисми сотилиши таъминланди.

**11.8. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш** бўйича олиб борилаётган ишлар ва устувор вазифалар ижроси юзасидан **20** та йўналишда таҳлил ишлари олиб борилиб, тегишли таклифларни ўз ичига олган ахборотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди. Жумладан:

Ўзбек давлат цирки, “Халқлар дўстлиги” саройи, жойлардаги маданият саройлари ва истироҳат боғларини давлат-хусусий шерикчилигига бериш;

музейларда замонавий ахборот ва “smart” технологияларини (*3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳ.к.*) жорий этиш орқали кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш;

педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олиб, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ва К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг барча таълим йўналишларидаги битирувчи мутахассисларга педагогик фаолият олиб бориш ҳуқуқини бериш таклифлари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ўз аксини топди.

**11.9.** Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти ўрганилди ва соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлардан иборат таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.

Ҳисоб палатаси томонидан соҳада давлат бошқаруви тизимини қайта ташкил этиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатларида инобатга олинди.

**11.10.** Тошкент шаҳар туманларида 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва “Обод маҳалла” дастури бўйича ишларнинг ташкил этилиши юзасидан мониторинг ишлари олиб борилди.

Ҳисоб палатаси ишчи гуруҳлари иштирокида Тошкент шаҳрининг барча туман ҳокимларининг иш дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижроси назоратга олинди. Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида:

- куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ачинарли бўлган **303** та ижтимоий соҳа объектлари учун **114,1** млрд. сўм маблағлар талаби аниқланди;

- ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича **270** та муассасада **69,7** млрд сўмлик шартномалар тузилди;

- мазкур мақсадлар учун маҳаллий бюджетининг аниқланган қўшимча даромадлари ҳисобидан **62,7** млрд. сўм, Молия вазирлиги ссудаси ҳисобидан **70,0** млрд сўм маблағлар ажратилиши таъминланди;

- **349** та муассаса бўйича **54,1** млрд сўм маблағ молиялаштирилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди;

- **250** та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тижорат банкларининг **32,8** млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

## XII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда амалга оширилган ишлар

**12.1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги Ф-5445-сонли фармойишига билан илк бор тажриба тариқасида татбиқ этилган **34 та** вазирлик ва давлат қўмиталарининг 2019 йилдаги фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини **баҳолашнинг асосий мезонлари тасдиқланди.**

Фармойиш билан **2019 йилда** давлат идоралари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мақсадида вазирлик ва давлат қўмиталари томонидан **416 та** мезондан иборат **1 161 та** мақсадли вазифалар бажарилиши белгиланди.

Мазкур фармойиш билан Ҳисоб палатасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар **ҳар чорак якуни бўйича таҳлил қилиниб**, натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига **134 та** ҳамда Олий Мажлис палаталарига **168 та** таҳлилий **ахборотлар киритилди.**

Ўз навбатида, баҳолаш натижалари **чорак якунларига кўра** Олий Мажлис палаталарида Ҳисоб палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида **муҳокама қилиб борилди.**

**12.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5283-сонли Фармони асосида Халқ депутатлари Кенгашлари билан бирга ҳудудларда қамровли ишлар амалга оширилди.

Фармон билан халқ депутатларига берилган ваколатлар доирасида Республиканинг **4 та** яъни, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган ўрганиш ва кўрсатилган амалий ёрдамлар натижалари Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар депутатлар билан биргаликда белгилаб олинди.

Жумладан, ҳар бир ўрганилган ҳудуд кесимида маҳаллий бюджетлари даромадларини кўпайтириш, захираларини аниқлаш ва уларни сафарбар этиш, қўшимча даромад манбаларидан ва бошқа манбалар бўйича ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши депутатлар иштирокида танқидий кўриб чиқилди, қўшимча манбаларни жалб қилиш йўналишлари муҳокама қилинди ва сессия қарорлари қабул қилинди.

Ташкил этилган сессияларда ҳокимларнинг иқтисодиёт ва тadbиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, молия бош бошқармаси ва давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари ҳисоботлари тингланди.

Ҳудудларда депутатлар иштирокида ташкил этилган сессиялар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

**12.3.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан биргаликда “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда божхона назоратини такомиллаштиришга қаратилган бошқа қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати Давлат божхона хизмати органларида ўрганилди *(2019 йил декабрь ойида)*.

Ўрганиш натижаси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилди.



### XIII. Хорижий тажрибани ўрганиш ва халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар

**13.1.** Ҳисоб палатасининг аудиторлик халқаро ташкилотлари олий органларига қўшилиши ва хорижий давлатларнинг юқори даражадаги аудиторлик органлари ва етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилиши бўйича **INTOSAI** (Олий аудит органлари халқаро ташкилоти) ва **ASOSAI** (Осиё олий аудит органлари ташкилоти)га аъзо бўлиш бўйича хатларни дипломатик каналлар орқали етказиш ҳамда **ECOSAI** (Жанубий ва Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти аъзоларининг олий аудит органлари ташкилоти)да Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг аъзолик мақомини аниқлаш бўйича муурожаат юборилди.

2019 йил 7 сентябрда INTOSAI бош секретариати томонидан Ҳисоб палатасининг молиявий назорат органи сифатида ҳуқуқий асосларини тақдим этилиши сўралган ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан INTOSAI бош секретариатига **ҳужжатлар тақдим этилди.**

ASOSAI ташкилоти томонидан INTOSAI ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлишдан олди **кузатувчи сифатида аъзо бўлишга розилик берилган.**

Бундан ташқари, Россия Федерациясининг Ҳисоб палатаси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича 2008 йилда тузилган битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантирилиши ва амалга оширилиши аудити мавзусида тажриба алмашиш мақсадида 2020 йил март ойида семинар ўтказилиши режалаштирилган.

**13.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917 сонли қарорига мувофиқ Молия вазирлигига Ҳисоб палатаси билан биргаликда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда Давлат молиясини бошқариш самарадорлигини Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) мезонлари асосида баҳолаш чора-тадбирларини кўриш топширилган.

2018 йил сентябрдан 2019 октябрга қадар Европа Иттифоқи комиссияси ва Жаҳон банкининг давлат молиясини бошқаришни баҳолаш бирлашган PEFA миссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бюджетни тузишдан тортиб то ҳисобот тақдим этиш ва тасдиқлашгача бўлган жараён баҳоланди.

Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи комиссиясининг миссияси иштирокида Ўзбекистонда Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлигини (PEFA) баҳолаш ишлари амалга оширилди ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан ижобий хулосага эришилди.

Жумладан, халқаро экспертлар давлат ташқи аудит тизимини ривожлантириш борасида охириги баҳолаш 2012 йилги кўрсаткичларга нисбатан **“D+”** даражасидан **“C+”** га баҳоланган.

Шу билан бирга, “аудиторлик ҳисоботларини қонунчилик органига тақдим этилиши” кўрсаткичи бўйича **“A”** энг юқори даражада баҳоланган.

Дунёнинг бошқа давлатларига нисбатан ўртача ҳисобда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси яхши ўрин эгаллаган.

**13.3.** Ўзбекистон Республикаси “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси **Ҳисоб палатасининг стандартларини** ишлаб чиқиш Концепцияси ишлаб чиқилди.

Мазкур Концепцияда Ҳисоб палатаси стандартлари халқаро олий аудиторлик органларининг умум тан олинган стандартлари асосида (ISSAI) 5 босқичда 17 та стандартлар ишлаб чиқилиши белгиланган.

Хусусан, 1-босқичда Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш стандартлари, 2-4-босқичда ташқи аудит ва молиявий назорат стандартлари ҳамда 5-босқичда коррупцияни олдини олиш стандартлари ишлаб чиқилади.

***Ўзбекистон Республикаси***  
***Ҳисоб палатаси***